

И. А. КАРИМОВ н у т қ и

(Давоми. Бош 1-бетда).

Адолат нуқтаи назаридан қараганда ҳам кўп болали оилалар, ногиронлар, бозор иқтисоди зарбаси остида қолганлар, ўзини ўнглаб ололмаётганлар, ҳуллас — ёрдамларни, мададага муҳтожларни Президент ўз панонасига олиши шарт деб ҳисоблайман.

Халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари қилинади. Бу соҳада талон тизими сиқлаб турилади. Унга риоя қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

Ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадига қўйилган фойдаланамиз. Сир эмас, айрим республикаларда эркин нархларга ўтишни, чегаралар йўқлиги туфайли бизда ҳам нарх-наво осмонга чиқиш кетаётган. Шунга қарамадан биз кун кечириб учун энг зарур маҳсулотлардан 12 хилнинг нархларини аввалги ҳолида ушлаб туришга қарор қилдик. Нон, ун, шakar, мой ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Болаларимиз учун энг керакли — кийим-кечаклардан етти хилни эса талон тизимида киритиш ва бюджет ҳисобидан кўмак берадиган бўлиди. Албатта, булар биринчи қадамлар. Гап шундаки, ана шу туғумни йўқотмаёмиз ва давомини кўрамай, давлат кафолатини бермай, тўнда қилиб айтаман. Ҳамма кўчма бўлиши шарт эмас.

Ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларини мустақамлаш билан бирга уларга қўшимча берилсин ҳам керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан бирга обурларни ошириш лозим. Халқ депутатлари,

Унинг асосий мазмуни ва шiori: халқимизни, биринчи

набатда камбағал ва муҳтож кешиларини, оилаларини ҳимоя қилишда, бунга давлат кафолатини бермасдан бозор иқтисодига ўт олмайми!

Бир тонфа одамларнинг текис бой бўлиб, яна бир тонфа одамларнинг яриб, га-до, қашпоқ бўлишларига йўл қўймаслигини керак. Нарх-наво сисъатини ойлик маош билан чамабарчас боғлаб қўямиз. Мақсадимиз яқин кунларда ўртача ойлик маошнинг минг сўмга етказишidir. Шунинг учун ҳамма имкониятларимизни ишга солишимиз зарур.

Иккинчидан, Тинчлик, ттовулик, осийишталини сақлаш Президентнинг бош вази-фасидир. Президент тинч-лик, ттовулик қўрғонининг меъмори бўлиши керак деб ҳисоблайман.

Қаердаки тинчликка путур етса, халқ осийишталига ҳавф остида қолса, ўша жой-да Президент посбон бўлиши даркор.

Ҳозирги даврда халқимизни катта ташвишга солаётган нарсас — бу жиноятчиликнинг ўсишидир. Шу сабабли бутун Ўзбекистоннинг бу иллатга қарши кураш дастури устида ишлаймиз. Одам ўлдириб, талон-тороқ-лик, ўғирлик, порахўрлик, чайвончиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш чораларини кўрамиз. Бунинг учун қатъий иттизом талаб этилади.

Ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларини мустақамлаш билан бирга уларга қўшимча берилсин ҳам керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан бирга обурларни ошириш лозим. Халқ депутатлари,

жамоатчилик, маҳалла коми-тетлари, қария отахонлар уларга жиноятчилик йўлини тўсишларида ёрдам бериш-ларига муҳтожмиз.

Халқ очликка, ночорлик-ка, ҳамма нарсасга чидаши мумкин, лекин билиб қўйин-лар, адолатсизликка чида-майди!

Учинчидан, Фуқаролар ва миллатларaro тинчликини сақ-лаш. Миллати, дини, этниқоиди-дан қатъи назар ҳар бир ки-шининг шахс ва виждон эр-кинлиги таъминланади. Унинг миллатига, тилига ва маданиятига ҳурмат қўрсати-лади. Худо қўрсатмасин, бир йилгит йиқилса, она йиқи-лади, ота йиқилса, оила мо-тамага ботади, қишлоқ йи-қилади. Ун йилгит йиқилса-чи? Юз йилгит йиқилса-чи? Ахир баъзи минтақаларда миллий низоолар туфайли келинчақ-лар бева қолмоқдалар, она-лар «болам!» деб фарёд че-каптилар. Йўқ! Бунга йўл қўйиш мумкин эмас ва йўл қўймаймиз ҳам!

Ахир Кўрғони карим ҳам дўстликка, биродарликка за-ҳиради, низо чичариши қо-рамайди.

Жанжал чиққан юртинг худоси ҳам ундан ўз ўғирар экан. Шу сабаб баракка ҳам, риқ-рўз ҳам наси я бўлиб қоларкан.

Бу йўлда, тинчлик, ттову-лик йўлида бизни Оллоҳ тао-

лонинг ўзи қўлласин, мадад-кор бўлсин!

Тўртинчидан: Оёқ-қўли боғланган киши қаноти син-ган қушидир. Эркинлик эса тарққининг янқо ягона йўлидир. Шу сабабдан ме-нинг яна бир муҳим мақса-ди — эркинлик бериш ва ана шу эркинликни муҳофа-за қилишдир. Биринчи галда тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик беришдир.

Уларни ҳар қандай таъ-йиндан қўтқарамиз. Мулкчи-ликнинг барча шаклларига тенг шароят ва имкон яра-тилади. Ажнайиб шериклар билан ўзаро манфаатли ало-қалар ўрнатилди. Қўшма корхоналар қўпайди. Юр-тимизга чет эл сармоясин жалб этилади. Замонавий техно-логияни олиб кириш йўли-дан бораемиз.

Халқимизни озиқ-овқат билан таъминлаш учун, умуман халқ хўжалигимизни танглидан чиқариш сисъа-тини тadbоқ қилишда, авва-лларимиз, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга устиворлик беришимиз зар-ур.

Пировардида булар пеш-тахталарини тўлдирди, даст-турхонимиз тўкин бўлди!

Бешинчидан. Маънавий ҳаётимизда бошланган иш-ларни давом эттирамиз. Ош-коралик таъминланади. Мат-буот, радио, телевидение воситасида одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қон-диришга эришиш тадбирла-рини кўрамиз. Бу йўлдаги ҳамма тўсиқлар, таъйинлар олиб ташланади.

Бозор иқтисодиётига ўттиш даврда маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга туш-ди. Уларни иқтисодий зарба-

дан асраб қолишни Презид-ент ўз бўйига олиши ке-рак, деб ҳисоблайман.

Тарихта, меросимизга му-носабатини амалий изга кўчи-риш лозим. Яъни дарслик-лардан тортиб оддий ўқув китобларига ҳақиқат ёзи-лиши шарт. Бу бизнинг ота-болаларимиз руҳи олдидаги қарзимиздир!

Олтинчидан. Келажак бу-гундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой бе-рилади. Тарбиядан ҳеч нар-сани аямаймиз!

Маънавий ва ахлоқий пок-лини, имон, инсоф, динбат, ор-номус, меҳр-оқи-бат ва шу каби чинакам ин-соний фазилатларни ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг за-минид тартбия ётади.

Шу боседан тарбиячилар-га, ўқитувчиларимизга, ўқув юртлири домлаларни, профес-сорларига моддий ва маъна-вий ёрдамимизни сира ая-маслигимиз керак.

Биз тарбия ҳақида уйлар эканмиз, ёшларнинг кека-саларга ҳурмати юксак бўли-ши таомилни йўқотмайлик. Шу нуқтаи назардан ҳуқу-қат Ватан уруши қатнашчи-ларини қаромига тўла оли-ши, ҳимоя қилиши, уларнинг қадрларини жойига қўйиши шарт, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда солиқни сақлаш масаласини ҳам ай-тиб ўтмоқчимиз. Давлат бу соҳани ўз қаромидга сақлайди, моддий таъминот базасини мустаҳкамлайди. Биз бу соҳада болаларимиз, ота-оналаримиз тандир учун қайғуратган фидойи киши-ларни ҳурмат қилишимиз, уларга кўмак беришимиз зарурдир.

Еттинчидан. Жаҳонга, бу-

тун дунёга олиб чиқадиган йўлимизни кенгайтирамиз. Сизларга маълум, тараққи-ётган мамлакатлар учта му-ҳим масалага эътибор бе-ришмоқда: инсон ҳуқуқлари, демократия ва сармоя учун қафолат масаласи. Биз ана шу масалаларни эътиборда тутиб, Вирдлаган Миллатлар Таъшилотига аъзо бўлиш чо-раларини кўраямиз.

Сизларга маълумки, хо-рижда кўп ватандошларимиз яшайдилар. Уларнинг келиб-қетишларини енгила-тиш зарур. Керак бўлса, эркин келиб-қетиш ҳуқуқини берайлик! Керак бўлса, уларга Ўзбекистон фуқаро-лигини берайлик!

Уларга кўп масалаларда суаянишимиз, хайрхоҳлиги, бизга умид қўзи билан қара-ётганини ҳисобга олиб улар-нинг кўмагига таянишимиз керак.

Дунёга, жаҳонга чиқадиган йўлимиз қанчалик яқин ва кенг бўлса, бутунги қи-тинчиликларимиз, ташвиш-ларимиз шу қадар тез ен-гилади!

Саккинчидан. Биз кўп партиявийлик замонага ўр-танганимиз керак. Бу юз, инки юзта партия дегани эмас, албатта. Қолаверса, мақсад партия-партия бўлиб халқни парчалаб юбориш эмас. Аксинча, тўртта бў-лар, бешта бўлар партиялар, лекин улар куч ва май-донларда жанжал қилмас-дан, ана шу ерда, парла-ментда баҳслашиб, тортишиб, халққа фойдали фикрни қў-лашга ўрганишлари керак.

Биз оғинимиз ана шунга мослаштиришимиз даркор. Бу йўлда қандай тўсиқлар бўлса олиб ташлайлик. Бундан кейин кўп сайлов-

лар бўлади. Аммо бизда сай-лов пайтида гуруҳларга бў-линиш, сайловдан кейин эса бир-бирдан ўч олишдек ярамас иллат бор. Бу охи-ри яхшиликка олиб борма-йди.

Аксинча бўлиши керак. Нима бўлса ҳам қиладиган барча ишларимиз халқимизни бирлаштиришга, бир ёқадан бош чиқаришга, ҳамкорлик, ҳамжихатликка олиб келиши керак.

Биз энди ўз ўзини бош-қарув усулини кенг жорий қиламиз. Маҳалла, қишлоқ-қача ўзини ўзи бошқариши, мустақил бўлиши зарур. Фақат бу бебошлик, бўй-сумаслик дегани эмас.

Ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай кенгаш ва ҳар қан-дай мустақил киши халқ олдида, юрт олдида ҳисоб-дор, жавобгардир деган қон-дадан келиб чиқиш шарт.

Тўққизинчидан. Эски ту-зумлардан бизга нураб, вайрон бўлган бошқарув тизими мерос қолди. Ана шу вайрон ўрнида ўзимиз-нинг бинони тетроқ тикла-шимиз зарур.

Бунда биз нимани кўзда тутамиз? Мақсадимиз қан-дай бўлади? Хўжалик, таш-килот, фуқароларга эркин-лик берилади. Демак, улар-ни тепадан туриб бошқа-риш ортқча. Хўш, бошқа-рув ҳоқимияти энди нима қилади? Хўжалик ишларига аралашмасдан ўз ишини ба-жариши керак. Яъни ишлаб чиқаришда салмоқли шароит яратиб бериш, халқни ҳи-моя қилиш, адолат, ҳақи-қат ўрнатиш йўлини, етим-есирлар, ногиронлар-нинг бошини силаш, келаж-ка ҳаётимиз ҳақида бош қотиришни ўзининг асосий

вазифаси деб билиш лозим. Шу ўринда яна бир му-ҳим маселани ўртага та-шламоқчиман. Хуқуқий дав-латнинг нуқоти ҳам, ҳимоя-си ҳам, кўзи ҳам, сузи ҳам қонундир.

Минг афсуски, бизда қо-нунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қо-лишган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳақиқи йўқ, Чунки қонун — халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир.

Биз қонунни — мат қи-лиш, унга бўйсуниб, риоя қилиш йўлидан борсак, ист-қоболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимо-ясин бўлиши керак, деб ҳи-соблайман.

Учинчидан. Юқорида ай-тилган ва сайлов арасида баён қилинган масалалар-ни амалга ошириш учун Сиз-ларга, халқ ноиблари, мил-лат вакилларига суаяман. Халқдан узоқлашмай, унинг орасида тез-тез бўлиб, дар-дин, ташвишнинг ўз юра-гидан ўтказиб туришимиз шарт, деб биланам.

Сизлар билан бирга бўлиш халқ билан бирга бўлишдир. Халқ билан бирга бўлиш эса унинг ҳаёти, унинг тур-муши, унинг дарди билан бирга бўлишдир!

Халққа, юртга хизмат қи-лиш эр киши учун, мард киши учун, ўғлон учун ша-рафли ишдир!

Ана шу шарафга мени ло-йиқ деб билган халқимиза қуллўқ қиланам ва! У билан, биргаман!

Катта, мастулиятли йўл-да тағримиз бизга мадад-кор бўлсин!

ШАХАРДАГИ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАГИ ИШЛАР ҲОЗИРГИ КУН ТАЛАБИГА ТўЛА ЖАВОБ БЕРМАЙТАИ. Бу ҳақда шахар ва шаҳарларнинг ишлари ҳақида эътирозларига сабаб бўлмоқда.

— Биз, Тошкент шахар, Сергели району. Чоптепа қўчасида истиқомат қиламиз, — деб ёзди муштарий К. Урзобоев. — Автобуслар юриш нархларининг ошиши биз уйлаганча натижа бермади. Айниқса 57-тезиорар йўналишидаги автобусларни совилаб куттишга мажбур бўлаёмиз. Кеч жириши билан улар сирди йўқолиб қолмоқда.

Бу муҳаббатларимизга келатган хатлардан бири холос. Бундай мактублар деярли ҳар кун келиб турибди. Хўш, шахримизда бутунги кунда қанча йўналишда автобуслар қатнаб турибди? Шу йўналиш ўзида нечта йўл йўналиши очилди? Илгарилари ҳам катта муаммо бўлиб келган жамоат транспорти нима қачон ўзгаради? Яъни орада шу хизмат кўрсатиш соҳаси ахши томонга бурилганини ёки йўқини? Шу ҳақда бошқа саволлар билан муҳаббатимиз Тошкент шахар йўловчилар ташкилотини йўналишдаги ишлар билан бириктириш бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Раваш ФАНЗУЛЛАЕВА мурожаат қилди.

— Маълумки, шахардаги муҳим муаммолардан бири — аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишдир.

Бутунги кунда шахарда 192 та автобус йўналиши мавжуд бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 2549,6 километрни ташкил этади. Иш кунлари 1468 та, дам олиш кунлари 1162 та автобус йўлга чиқарилиб, уларда 1 миллион йўловчи ташилланти.

Бундан ташқари кўнунга шахардаги йирик соаноат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи-хизматчиларини ташиниш учун 465 соат-бай ва 65 та махсус йўналишда автобуслар қатнаши ташкил этилган.

Мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар ва ўзаро алоқа-ларнинг бузилишидан янги автомобильлар ва уларга ёқилги, эҳтиёт қисмлар ет-казиб бериш кескин кама-йиб кетиб автокорхоналар ишига салбий таъсир қўрсати-пти. Автобусларнинг кўча-да бузилиб қолиши, йўна-лишлардан бензин етишмас-лигидан барвақт кетиб қо-лиш ҳоллари кўпайиб бор-япти, бу эса ўз навбатида йўловчиларнинг норозили-гига ва шикоятларга сабаб бўляпти.

Қийинчиликларга қара-масдан бирлашма ва авто-корхона раҳбарлари бор им-кониятлардан унумли фой-даланишга ҳаракат қилимоқ-далар.

Кеч соат 18 дан 22 гача охири бенаат ва автостан-цияларда бирлашма ва авто-корхона раҳбарларининг етакчи мутахассисларнинг наватчилиги ташкил қили-ниб ҳаракатдаги автобуслар сонининг ошишига эришил-ди.

Шунингдек, 24 йўналиш-даги автобуслар, 7 та мар-шрутди такси йўналиши ўз-гаририлди. Яъни 19 та автобус ҳамда 8 та маршрутди такси йўналиши очилди. Улар шахримиздаги янги оичилган Жарарчи, Сергели

келмай қўйди. Масалан, ўт-ган йилининг ўзида режада-ги 295 та автобус ўрнига бор-йўғи 185 тасини олдиқ холос. Эҳтиёт қисмлар тў-рисида гапирмасак ҳам бў-лади.

Яънида ойна жаҳонда Тонкистон пойтахти Ду-шанбедаги бир автокорхона кўрсатишга эди. Унда «Ина-рус»ларнинг эҳтиёт қис-млари йўқлиги туфайли ба-зор турғилини ҳақида га-пирилганди.

Худди шу муаммо бизга ҳам етиб келди. Ҳозирги кунда йўналиш автокорхона-сиз ана шу «Инарус»ларга иктисослаштирилган. Би-роқ, маъна уч йилдирки, Вен-гриядан янги автобуслар ў-қиди турсин, эскиларига эҳ-тиёт қисмларини ҳам ололма-ймиз йўқ. Венгрияликлар биздан ралиота талаб қилиш-япти. Шунинг учун юқори-даги автокорхоналаримиз ҳозир жуда мураккаб ва-зиятда. Агар бу борада бош-қа йўлларни изламасак, ай-

Чунки ҳозирнинг ўзида ав-тосаройларимизга намида 500 га яқин катта-кичик ав-тосуслар керак. Илгарги 20 —25 минг сўм турадиган «ЛИАЗ» автобусларга энди-ликда 150 минг сўм сўра-шапти. Агарда бунга 500 га қўлайтирсак 75 миллион сўм бўлади. Биз бу маблар-ни қаредан олаемиз.

Ундан кейин бизда юқори-да айтганимдек ёқилги ма-саласи чатоқ. Ҳозир талаб-даги 50—60 фоизгина ёқил-гини олиб турибмиз, холос. У ҳам бўлса сифатсиз ёқил-гинлар.

Қонда бўйича бензин олиб келингандан кейин 3—4 кун туриш керак. Бизда-чи, аксинча ёқилги кели-ши билан машинага қўй-имиз. Сабаби автобусларни йўлга чиқариш керак. Нагн-жада тинимган ёқилги див-геталини ишдан чиқаради.

Кечқурунлари автобуслар-нинг камийиб кетишига ю-қориданлар сабаб бўлмоқда. Биздаги янги автобуслар

файли автобусларни фақат йўлда одам кўп пайтда чи-қариб, кечқурунлари камий-тиришга мажбур бўлаёмиз.

Кейинги пайтларда эҳти-ёт қисми ҳамда ёқилгиларга ҳам нарх кўндан-кўнга кўта-рилиб кетаёпти. Масалан, шу йил октябр ойининг ўрталарида бир тонна бен-зин 195 сўм турган бўлса ҳозир унга 2 минг сўм тў-лаймиз. Бу эса наватбатида бирлашманнинг зиёнга и-шлашга олиб келмоқда.

Аммо ибратли ишлаётган корхоналаримиз ҳам йўқ эмас. Бунга мисол тариқаси-да 5-автокорхона олиб кўриш мумкин. Улар юқо-ридаги қийинчиликларга қа-рамасдан, йўл жадалига риоя қилган ҳолда ишлаш-моқда.

Шунингдек, шахримизда-ги 3-автокорхона ҳам шулар жумласига кирди. Автоко-рхона маъмурияти ҳозирги нарх-наво кўриланган вақт-да ҳам қўридан зарарни 443,2 минг сўмга камайти-ришга муваффақ бўлди.

Яна бир гап. Кўпчилик ав-тотубага чиқатганда чипта олмайди ёки пулни ҳайдов-чининг ўзига бериб кетади. Бу — нотўғри. Чунки пул ҳайдовчининг чўнтагига ту-ш-гандан кейин хоҳласа касса-га топширади, хоҳламаса йўқ. Натияжада шу йўналиш-даги автобус камийиб кета-ди.

Шунинг учун азиз ҳам-шаҳарлар, транспортта чи-ққан кейин пул узатиб тезда чипталарини талаб қилиб олишлар. Ҳамма ҳай-довчилар эрталаб чипталар билан тўла таъминланадил-лар. Йўлда транспортлар-нинг кўп бўлиши, сизлар-нинг бекатларда туриб қо-лмаслигиниз чиптани ўз вақтида олишларингизга ҳам боғлиқдир.

Биз қиш мавсумига ҳам етарли ҳозирлик қўрдик. Бинобарин қиш мавсумида йўловчиларга намунали хиз-мат кўрсатиш тадбирлари тadbирланган бўлиб (тонг ма-ҳалида автобусларни қири-дириб туриш, қатнов жадалди бўйича ҳайдовчиларни ишга олиб келиш ва йўлга чиқари-лиш, бекатлардаги тўхтов белгиларини янгилаш, эҳти-ёт қисмлар ва ёқилги бил-лан таъминлаш, йўловчилар-га хизмат кўрсатиш мада-ниятини ошириш ва ҳона-зо автомобил вазирлиги му-ҳокамасида тасдиқланган ва ҳозирда амалга ошириляпти.

Бирлашма ва автокорхона-лар олдидаги муҳим вази-фа ҳозирги қийин пайтда шах-римиз аҳолисининг оғирини енгили, уларнинг манзилларини яқин қилиш учун ҳамма имкониятларини ишга со-лишдан иборатдир.

Сухбатдош

Ғўлом ЮСУПОВ.

ЕШИМ саксон иккида, Тўрт болани уйли-жойли қилганман. Демак, Бъзан маселалар кўсусида мунозара юри-тишга ҳаққим бор, деб уйлайман.

Увётган тўғайларимиз тўғрисида кўп фикрлар билдирилмоқда. Аммо мен-га гап гапигакича қолватган ухшай-ди. Тўғайларда бўлаётган исрофгарчи-ликларини кўриб ҳайрон қолсан. Ахир, ҳозирги кундаги иқтисодий танқислик барчага маълум. Қиш ҳам кийинларга ташвишлар келтирганча эшик қоқмоқда.

Шундай экан, одамларнинг йиллаб топганларини бир кунда соворишли-рига, маҳалларнинг тинчини бу-зиб кенг даярада тонгача тўй давом этишига зарурат бор-ми? Тўйдан кейинги ички-уч кун давом этадиган чарларга нима дей-

сиэ? Айниқса, қиз чиқарганга қийин. Чунки, у қудсан нечта ёл олиб келеди, билмайди. Қизариб қолмай деб

ичимлик қўйиш ҳоллари ҳам учрай-ди. Булар ҳам етмай, қизнинг ониси кудда томонидан келган аёлларга

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАП КАТТА МАҚСАДЛАРГА САРФЛАЙЛИК

кўндан қолмай тайёргарлик қўради. Улар келинчақ, ноз-неъматга тўла дастурхонга турли хил овқатлар қўй бошлашади. Дастурхонга спиртли кийимлик ҳам улашади. Бу ҳо-зирги кунда ўз-ўзини азоблашган бошқа нарса эмас. Менича, келадиган аёллар сонини кескин камаяти-

риш, чарларни оилавий маросимга айлантириш керак. Чунки, кудалар-нинг бир-бирлари билан яқиндан та-нишишлари учун бу маросим ўткази-лади. Тўғри, ҳаммамнинг ҳам ўз орзу-ҳаваси бор. Лекин ишларнинг бахти тўғрисида қанчалик дедбаба билан ўт-казилиши билан белгиланмайди. Ахир, тўғри икчамроқ ўтказиб тежал-ган пуллар билан энди турмуш қури-шеётган ёшларга ёрдам беришимиз-га нима етсин.

Мана, республикамиз мустақиллик йўлига ўтди. Бу ишлардан нафақат наурсини, иқтисодий бәрдамлигини ҳам талаб этади. Дедбаба, ортинча харажатларга кетаётган маблагларни катта мақсадлар йўлида ишлатасан, дейман. Мавжуда АЛИХУЖАЕВА.

Ҳам куласиз, ҳам кулсиз

ШИРИН ТУШ

НАСРИДДИН афанди чўчиб уйғониб девордаги йилномага кўзи тушди. Не қўз билан кўрсинки, йилнома 2992 йилни кўрсатиб турарди. У қўзларини ўқалаб-ўқалаб яна тикилди. Йўқ, барбиров 2992 йили кўрди. Нонуштадан сўнг, кеча почтача пенсиясини нима сабабдан олиб келмаганини билиш мақсадида район иктамий таъминот бўлимига йўл олди. Бўлимда уни истарас иссиқ, хушумомала, қўлимкинна йўриқчи қиз қарши олди:

— Хўш, хизмат отахон?

— Қизим, кеча пенсиямини олиб келишмади...

— Тушундим отахон, марҳамат, ари-за ёнинг.

Йўриқчи қизнинг ширин муомаласидан эриб кетган афанди ўзбекча-русча аралаш ёзилган аризани унга узурди. Аризани ўқиб йўриқчи қизнинг юзлари буринди:

— Отахон, ўзбек тилига давлат тили макоси берилганига ҳам бир асрдан кўпроқ вақт бўлибди-ку, сиз бўлсан-гиз...

Афанди ҳайратомуз «Наҳотки, бутун-лай...» деди-да, аризани қайтадан ёзиб, йўриқчига тутқазди.

— Отахон марҳамат, 100-хонага ки-риб пенсия пулигиниз олшингиз мум-кин.

— Епирай, сразуя?! Афанди йўриқчи қизга мингдан-миг раҳмат айтиб атрофга разм солди. Ҳа-ли келганда эътибор бермаган экан, қа-булхона кенг ва ёруғ бўлиб, юмшоқ ди-ван-рес

Спорт . Спорт . Спорт . Спорт . Спорт . Спорт .

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати мана, олтин йилдирки, ўз бюрократларига маҳсулот etkazib беради. У нафақат республикамиздаги, балки Урта Осиёдаги тўқимачилик корхоналаридан биридир. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларни буғун дунёнинг турли бурчақларида учратишимиз мумкин. Германия, Польша, Болгария, Венгрия... Бу катта ишлаб чиқариш жамоасида минглаб кишилар меҳнат қилишади. Маданий-маиший бинолар билан бир қаторда улкан «Тўқимачи» уйингоҳи ва «Саломатлик» маркази ҳам ишчилар ихтиёрида.

Шахримиз уйингоҳларида ОММАВИЙЛИК СИРИ

«Кўз, остинга олиб юргангиз» — келажак порлоқ чарм тўп усталари ҳам бордир улар орасида... Бу ёшдан туриб буниси яхши кўкжуми, ананисини яхши ҳимолчи бўлади деб айтсақ хато қилмайми. Ҳаммаси уйингоҳнинг ўзига боғлиқ. Ҳа, устознинг сир бой бергиси келмайди. Эҳтиёткор, узокни кўрадиган мураббийга ўқшайди. Бу уйингоҳ зўр, унис маҳоратли деб оғзи куйганлар қанча. Тренер ҳам...

— Ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам етарли, — дейди шу ерда шугулланаётганлар. Бозор иқтисодиёти муносабати билан спорт анжумалари ҳам қимматлашиб, уларни топиш тобора мушуқлашиб бормоқда. Пуллик тўғрарекларда шугулланишнинг ўзи бўладими? Олдинлари яхши эди: арзон ва қулай.

Чарм қўлоқчилар тўғра-рида машқлар авжида. — Бундан икки йил аввал устозимиз Тоҳир Рўзиев ташаббуси билан ташландиқ хонани жиҳозлаб олгандик, — дейди ёш боксчи Ботир Саъдиев. Саъдиевга ҳоҳловчиларни 9 ёшдан бошлаб қабул қила-миз.

— Чемпионлар ҳам чиқарма-кани — сўрайман Ботирдан. — Спорт билан шугуллан-ганимиз барис чемпион. Спорт — соғлиқ учун, — дей-ди у катталар билан.

Спорт комплексида яна бир тўғраги — сузиш тўғраги доимо гаржум. Бу ерда турли ёшдаги сузувчиларни учра-тиш мумкин.

Хуллас, тўқимачиларнинг ўз соғлиқлари учун кураш-ётгани бекиз эмас. Ахир соғ-лукунга оғир бормоқда. Ҳозир спорт комплексида 5 та жис-моний тарбия жамоаси, 17 олий ўқув юрти талабалари, Фрунзе ва бошқа районлар-дан келган спорт иҳлосман-дари феол шугулланишмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!



Спорт иштироблари моҳир гимнастикачи, Сият-даги Яхши ният уйинлари ва жаҳон биринчилигининг ёлғиб ҳамшаҳримиз Оксана Чусовитинани яхши били-шади. Оксана гарчи энди 16 ёшга қадам қўйган бўлса-да, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўпгина мусоба-қаларнинг ёлғиб, 1990 йилнинг бошларидан тарма-команда тарбиясида. Хуллас, республикамизнинг энг кучли ва иштиробли спортчиларидан бири ҳисобланади. Яқин-да Оксана ўз мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрас-таган устоз Светлана Кузнецова билан Японияда ўтказил-ган халқаро мусобақаларда қатнашиб қайтди. Биз Чусовитинанинг устозидан, Япониядаги турнир ҳақида таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Биз Японияда бирваракайига иккита мусобақада— дастлаб Нагоя шаҳрида Тоники Кубогида, сўнг эса То-киода пойтахт Кубоги беллашуларида қатнашидик. — дейди у. — Тоники Кубоги анъанавий турнири бу йил 23-мартга ўтказилди. Шунинг алоҳида қайд этиб ўтиш-лозимки, бу мусобақага жаҳоннинг энг кучли гимнасти-качилари махсус таклиф орқали ташриф буюришди. Мустақил давлатлар ҳамдустлигининг Японияда Свет-лана Богинская ва Оксана Чусовитина, Ингиллардан эса Игорь Коробинский ва Алексей Воронаевлар ўз маҳо-ратларини намойиш қилишди. Ушбу турнирда шунигин-дек, Руминия, Хитой, Япония, АҚШ, Австралия, Чехос-ловачия, Икунини Корей, Венгрия, Болгария, Франция, Канада ва Германия мамлакатларидан ҳам энг куч-ли спортчилар қатнашди. Мусобақаларга Шахлин, Андрианов, Титов каби йirik мутахассислар, моҳир қачмақлар ҳам таклиф этилди.

Сафаримиз жуда таассуротларга бой бўлди. Чунки Тоники турнирида биринчи марта қатнашганимиз эди. Япониянинг об-ҳавоси бизнингга жуда ўхшаш экан. Рус тилини ўрганаётган болалар биз билан сўхбатлашди. Кўпгина муҳбирлар билан мулоқотда бўлдик. Японлар мустақил Ўзбекистон республикаси ҳаёти билан қизи-қишди. Авиация август ойидаги тўнтартиш юзасидан жуда кўп саволлар беришди. Ойнан жаҳонда ҳам ту-нартиш ҳақида кўрсатувлар беришди. Дароқе, кўнчақар мамлакатда ойнан жаҳонда жисмоний тарбия ва спорт-ни тарбиёт қилишга жуда катта ўрин бериладган. То-кио телевидениесида 12 та программа бўлиб, шундан 2 таси спорт каналга ҳисобланади. Тог тор билан узраш-майди, бирок одам билан одам учрашди, деганларидек кутилмаганда у ерда собиқ гимнастикачи, ҳозирда эса шартнома бўйича устозлиқ қилаётган Наташа Кучни-скаяни учратдик. Тоники кубогига атаб махсус жариди чиқаришганини кўриб қўйиб қолдик.

Яна нима ҳам дейишим мумкин? Бизларни энг яхши меҳмонхоналарга жойлаштиришди. Японларни бекиз батартиб ва тенанкор халқ демайдилар. Олдин бир мисол, Меҳмонхона хоналари эшигига калит солиш-гани билан бирга чироқлар ёнади, радио, кондиционер ишлаб кетади, нуфлангани билан эса бутун электр тармоғи ўчида. Умуман, японлар жуда хушмуомала, иш-чан ва батартиб халқ экан. «Хонда» заводида бўлди. Бу ерда кунга 4 мингта автомобил, микроавтобус ва

мотоцикллар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш жа-раёининг бошдан охиригача кўзатишди. Ҳамма иш автоматлаштирилган. Иш жараёинида бир лаҳза бўлса-да узиллиш йўқ. Хизматчилар фақат автоматларни бош-қаршади.

— Япониядаги мусобақаларда қатнашшдан қандай мақсадларни кўзда тутиш эдингиз?

— Очининг айтганда, биз ушбу турнирларга асосий-старт эмас, балки оралиқ мусобақа сифатида ёндошдик. Жумладан, янги машқларни синашдан ўтказдик. Ин-дианаполисда ўтказилган жаҳон биринчилигига бора-олмаган эдим. Бу ерда эса шогирдимни жаҳоннинг етак-чи гимнастикачилари билан солиштириб, муҳим ҳудос-лар чиқариш имкониятига эга бўлдик. Нағода Чусо-витина аркин машқларда кумуш, таниб сакрашда эса бронза ишонларини қўлга киритди. Тонгода эса аксин-ча бўлди. Умуман, Оксана илк марта Кристина Бонташ (Руминия), Генриетта Оноди (Венгрия), Лавиния Мило-сович (Руминия), Мари Косуга (Япония), Ли Ян (Хи-той) каби кучли спортчилар билан юзма-юз учрашди. Холсанлигимиз айтаганда қилар турнирда қатнашган барча 19 гимнастикачи Барселонада ўтказилган ёш-чи Олимпиадада ўйналарига тайёргарлик кўрмоқда. Айт-гандай, яна бир хушхабар, Оксана Японияда ўзинида 360 даражага айланган машқини гимнастика иҳлосман-дарига тақдим этди. Ушбу машқни у илк бор Индиана-полисдаги жаҳон биринчилигида намойиш этган эди. Халқаро қондалар бўйича жаҳон биринчилиги ёки Олимпиадада ўйналарига гимнастикадан бажарилган янги машқларга уни икром эртдан спортнинг номи берилади. Ажаб эмас, яқин кунларда гимнастикда «Чусовитина айланаси» деган термин пайдо бўлса.

— Бу йил Олимпиада йили, Олимпиадаларда қатна-шини, унда ғалаба қозониш эса ҳар бир спортчининг энг эзу орзуси. Қолаверса олимпиадалар юксак, парфали-ва шу билан бирга энг забт этиш оғир чўққидир. Ушбу мавсумда шогирдингиз билан қандай спорт мусобақа-ларида қатнашини режалаштиргансанлар?

— Февраль ойида аввал мустақил давлатлар ҳам-дустлигининг очиқ биринчилиги ўтказилди. Унда бутун дунёдан спортчилар қатнашини мумкин. Сўнг Франция-да илк бор алоҳида машқлар бўйича ўтказилган жа-ҳон чемпионатида қатнашини ниятимиз бор. Апрель ойи-да Москвада «Жаҳон юлдузлари» мусобақасига энг куч-ли спортчилар йилгишди. Июль ойида ҳам ҳамдустлик-биринчилиги ёки Кубоги беллашулари ўтказилди. Олимпиадага йўлланма берадиган фахрий олтундан ўрин олиш учун ана шу мусобақаларнинг барчасида қатнашиб яхши натижаларга эришимиз лозим. Яхши кўр-сатувларга эришсан ва машғулларимиз натижасига кўра тарма жамоа таркибидан ўрин олишимиз мумкин. Ўйлайманки, бу Оксананинг қўлидан келади ва ҳозирдан жиддий тайёргарликни бошлаб юборганимиз.

Сўхбатдош Дилшо ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: Светлана Кузнецова ва унинг шогирди Оксана Чусовитина.

Мирзаабраҳим Йўлдошев суратлари.

МАХСУС ГУРУҲ ТУЗИЛДИ

ЖИСМОНИЙ тарбия ва спорт билан шугулланишда замонавий фанларнинг аҳа-мияти катта. Унинг қатор му-ҳим йўналишларини билан яқин-да шугулланишда олий мате-матика, математик статистика, ҳисоблаш техникаси каби би-лимлар тўлқинмоқда. Шу сабабли ҳам Ўзбеки-стон давлат жисмоний тарбия

олий билимгоҳида маселанинг бу томонига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу ўқув мас-канида олий математика ва ма-тематик статистика, ҳисоблаш техника ва программалашти-риш, тарбия-кузатувларни режалаштириш, ахборот назари-яси йўналишлари бўйича махсус машғуллар олиб бо-риш йўлга қўйилди. Талаба-

ларнинг «Спорт кибернетика-си» махсус гуруҳининг тузи-лиши ҳам бекиз эмас, албат-та. Ушбу иҳтисослиқни ўзлаш-тириш жараёинида талабалар жисмоний тарбия ва спорт бўйича мукамил билим олиб, математик методлар ва элект-рон-ҳисоблаш машиналаридан қўшима билим ва амалий

Анбар АЛИЕВ.

Муҳаррир, Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖКОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЕЗИНФЕКЦИЯ БОШ ШОХОБЧАСИНИНГ ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ НОҲИЯ ДЕЗИНФЕКЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН

1992 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРДАН ДЕЗИНФЕКЦИЯ, ДЕРАТИЗАЦИЯ УТКАЗИШ (уй ҳашаротлари: пашша, сувараклар ва сиққон-қаламушларни) ИҶҚОТИШ ЮЗАСИ-ДАН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ МУРОЖААТ УЧУН УЗИНГИЗ ЯШАБ ТУРГАН НОҲИЯ ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ДЕЗИНФЕКЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ:

Акматали Икромов ноҳия дезинфекциялаш шохоб-часи — Х. Турсункулов кўчаси, 22-мавзе қарши-сида. Телефон: 74-19-96. 75, 41, 13-автобуслар; 12, 13-троллейбусларнинг «Москва остонаси» бекати.

Бектемир ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси. — Лихачев кўчаси, 48-уй, 110, 99, 12-автобусларнинг «ЦБРСПТ заводи» бекати.

Ҳамза ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — Ок-тябрь 10 йиллиги кўчаси, 34-уй. Телефон 91-53-48. 5-автобус, 29-маршрутлик таксининг «Шумилов ша-ҳарчаси» бекати.

Чилонзор ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — Аллея боши берк кўчаси, 56-уй. Телефонлар: 45-37-41, 45-37-55. 3, 12, 7-троллейбуслар; 153, 11, 7, 95-автобусларнинг «Ф. Фулом майдони» бекати.

Сирғали ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — 11-мавзе Мардик кўчаси, 56-уй. Телефон 58-52-44. 75, 40, 58 «э» автобуслар; 19-троллейбуснинг 11-мавзе ёки «Меҳмонхона хўжалиги техникуми» бе-кати.

Киров ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — Папанин кўчаси, 19-уй. Телефон 33-11-56. 9, 167, 156, 19, 51, 72 «э», 60 «э» автобуслар, 2, 16, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати.

Куйбишев ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — Доғистон кўчаси, 53-уй. Телефон 67-22-69. «Союз-ниҳи-Сквер», «Сквер-Улугбек», 1, 101 «э», 24 «э», 96, 83-автобуслар; 9, 17, 18-троллейбуслар; 13, 22, 6-трамвайларнинг «М. Горький майдони» бекати.

Ленин ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — Помир кўчаси, 13-уй. Телефон 91-13-64. 25, 61, 66-автобусларнинг «Авиасозлар шаҳарчаси» бекати. 2, 10-трамвайларнинг «Қор клуби» бекати.

Октябрь ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — Қоратош кўчаси, Киев тор кўчаси, 1-уй, телефон: 44-27-94. 76, 59, 32-автобусларнинг «Қоратош» бе-кати, 28 «э», 43 «э», 35, 36-автобуслар; 8, 15, 16, 7-трамвайларнинг «Хадра» майдони бекати.

Собир Рахимов ноҳия дезинфекциялаш шохоб-часи — Усмои Юсупов кўчаси 103-уй. Телефон-лар: 41-19-35, 41-80-84. 97, 48 «э» автобуслар, 10-троллейбус; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» ёки «Алоқа техникуми» бекати.

Фрунзе ноҳия дезинфекциялаш шохобчаси — Миршохид Мирқолиев кўчаси, 9 «а» уй. Телефон 56-31-15. 38 «э», 66, 67 «э» автобуслар, 13, 16-троллейбуслар, 7, 24, 4, 28-трамвайларнинг «Рос-сия меҳмонхонаси» бекати.

Тошкент шаҳар дезинфекциялаш бош шохобча-си — Қорасарой кўчаси, 343 «а» уй. Телефонлар: 48-11-30, 48-74-36, 48-74-53, 42, 43 «э», 93, 82, 56-автобуслар, 7, 10-троллейбусларнинг «Шаҳар СЭС» ёки «Тажриба пиллакашлик фабрикаси» бе-кати.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖА-МИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«ТОШКЕНТ-ПАССАЖИРСКИЙ» СТАНЦИЈСИНИНГ 2-ВАГОН ДЕПОСИ

Иўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмир-ловчи, 4—5 даражали чилангар, йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали ду-рагдор, 3—4—5 даражали чилангар-сантаехник, 4—5 даражали ойнасозларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

УРТАЧА ИШ ҲАҚИ — 500-700 СЎМ. Мутахассисликка эга бўлмаганлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ой давомда ўқитиладилар.

ШАХСИ ХУЖАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН ШАХС-ЛАР ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент шаҳри, Фрунае району, Х. Умаров кўчаси, 8-уй, 2-ВЧДнинг расмийлаш-тириш бўлими (11, 40, 45, 50, 67-автобуслар; 14-трол-лейбус; 25-маршрут таксининг «Салор ариги» бекати).

Тошкент шаҳри ва республика аҳолиси диққатига!

В. П. ЧАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИР-ЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

1992 ЙИЛ 9 ЯНВАРДА БЎШ ИШЧИ ҲИСОБИДАГИ ЯРМАРКАСИНИ ҲАВО-ЛА ЭТИЛАДИ

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА КЕНГ ҚўЛАДАГИ ҚўИДАГИ ИШЧИ КАСБЛАРИ ҲАВО-ЛА ЭТИЛАДИ:

фрезерчилар, токарлар, рақамли дастур билан бошқари-ладиган дастгоҳларнинг операторлари, механика-йиғув ишлари чилангарлари, парчинловчи-йиғувчилар, қолиплов-чилар, таъмирловчилар, темирчилар, ҳайдовчилар, механи-заторлар, қўрувчи касбларидagi ишчилар, тарбиячилар.

ЎРТА МАЛАКАЛИ ИШЧИННИНГ ИШ ҲАҚИ — 1300 СЎМ.

Ихтисослиги бўлмаганлар бирлашма цехларида касб ўрганадилар. Совет Армияси сафларидан заҳирага бўша-тилган шахсларга имтиёз берилади.

Ўзбекистон вилоятларидан келган, 18 ёшдан катта, ёл-ғиз фуқаролари ва заҳирага бўшатишдан ёшлар иш пай-тида ётоқхонадан жой бериш билан 4 йилгача муддатли шартнома бўйича ишга қабул қилинадилар.

Ярмарка Тошкент шаҳридаги район меҳнат биржалари-да, Республика шаҳар ва районларидаги барча меҳнат биржаларида, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўт-казилади.

БИРЛАШМАДАГИ ЯРМАРКАГА: 3, 10, 23, 27-трам-вайлар: 6, 15, 23, 49, 48, 72, 97, 151, 54-автобуслар бил-ан; метрода эса «Чалов» бекатигача борилади.

Республикадаги барча меҳнат биржаларидан маълумот-лар олиш мумкин.

Бирлашмадаги мулоқот телефонлар: 96-33-91, 96-08-19, 41-02-84.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ФРАНКИ ГРИТОП» СОВЕТ-ИТАЛИЯ ҚУШМА КОРХОНАСИ

ОЛИИ ДАРАЖАДАГИ «ПРЕМИЕР» РАНГЛИ ПРОЕКЦИОН ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ПРЕМИЕР» совет ва италиялик мутахассисларнинг ҳамкорлиги махсули бўлиб, асосан Ғарба ишлаб чиқиш-ган қисилардан тузилган.

«ПРЕМИЕР» ҳам совет, ҳам жаҳон телевидениеси стандартларига мослаштирилган. У видеомагнитофондан келатган тасвирни 150x90 см ва ундан кенгроқ экран-да катталаштириб кўрсата олади. Уни видеомагнитофон-га ҳам, телевидениега ҳам уласа бўлади, ундан турли электрон техника восталари билан иш юритишда тас-вирни катталаштиришда фойдаланиш мумкин. Бу ускуна 150 ва ундан ортқи кишилик аудиторияларга хизмат кўр-сатишда жуда қулай.

«ПРЕМИЕР» дан видеокассета ва клублардан тортиб, маиллиер заллари, маданий-ахборот марказларида фой-даланиш мумкин.

Усқуна ҳозир «ФРАНКИ ГРИТОП» қўшма корхона-сининг Тошкентдаги омборларида сақланмоқда.

«ПРЕМИЕР» СОВЕТ ПУЛИГА СОТИЛАДИ КАТТА МИҚДОРДА ОЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАРГА АРЗОН НАРХ БЕЛГИЛАНАДИ

Манзилгоҳимиз: 700047, Тошкент, 3-боши берк Жу-ковский кўчаси, 19-уй. «ФРАНКИ ГРИТОП» қўшма корхонаси.

Телефонлар: 33-22-74, 33-92-02, 33-92-60. Телекс 116145 АРК

«ФРАНКИ ГРИТОП» СОВЕТ-ИТАЛИЯ ҚУШМА КОРХОНАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖА-МИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўзбек давлат эстрадаси ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

24, 25 ЯНВАР СОАТ 18.00 ДА 26 ЯНВАР СОАТ 14.00 ВА 18.00 ДА ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУҚОФОТИ СОВРИНДОРИ «ЯЛЛА» КАМЕР-ЧОЛГУ ГУРУҲИ

ЧОЙХОНАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ГУРУҲ ВАДИНИ РАҲБАРИ — Ҳамза номидаги дав-лат муқофоти совриндори, жумҳурият халқ артисти Фаррух ЗОКИРОВ. Чилангар метронинг: М. Горький, Октябрь революция-си, Пахтакор, Чилонзор станцияларида сотилмоқда.

ДИҚҚАТ! Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасига қўйидаги юксак малакали мутахассислар КЕРАК

Фестиваллар директори, маъмурий-хўжалик бўлими мудир, хориний алоқалар бўйича бош мутахассис (чет тилларини билидиган, иш ҳақи шартнома бўйича ке-лишилади). Қўйидаги манзилга муро-жаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 61-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: 33-08-39, 32-37-66.

Ўзбекистон Халқ демок-ратик партиясининг Тош-кент шаҳар кеңаши Ўзбе-кистон Халқ демократик партияси Марнаолий Кеңашининг биринчи котиби М. М. Рауловга рафиқа-си Дилором Қосимовна РАСУЛОВАНИНГ беватт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Спорт . Спорт . Спорт . Спорт . Спорт . Спорт .

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кеңаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва яқшанбадан таъшир хар нуни ўзбек тилида чиқади. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 33-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; Эълоилар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни эълоилар бўлими тайёрлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.